

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ВА ОИЛА ҲАМКОРЛИГИДА
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.**

Керимов Ф.А.

ЎзДЖТСУ., Профессор.

Тожиёв М.А.

ЎзДЖТСУ., Доцент.

Бобомуродов А.Э.

ЎзДЖТСУ., Доцент.

Кадоқов Р.Т.

ЎзДЖТСУ, Катта ўқитувчи.

Ҳасанов Д.Х.

ЎзДЖТСУ, Катта ўқитувчи.

Кушбакова С.Э.

ЎзДЖТСУ, Катта ўқитувчи.

Иргашева Ш.Б.

ЎзДЖТСУ, ўқитувчи.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13941918>

Аннотация. Ушбу мақолада мактабгача таълим муассасалари тарбиявий тадбирларда миллий-маънавий қадриятлардан фойдаланиш ва урф-одатларга ўргатиш ҳақида фикр юритилган.

Калим сўзлар. Меҳржон, хотира ва қадрлаш куни, наврўз, қариялар куни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, меҳнат фахрийлари билан учрашув.

**ORGANIZATION OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL WORK IN PRE-SCHOOL
EDUCATIONAL INSTITUTIONS AND FAMILY COOPERATION.**

Abstract. This article discusses the use of national-spiritual values and teaching traditions in preschool educational institutions.

Keywords. Mehrjan, day of memory and appreciation, Navruz, day of the elderly education in the spirit of hard work, meeting with labor veterans.

**ОРГАНИЗАЦИЯ ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОЙ РАБОТЫ В ДОШКОЛЬНЫХ
ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ И СЕМЕЙНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО.**

Аннотация. В данной статье рассматривается использование национально-духовных ценностей и педагогических традиций в дошкольных образовательных учреждениях.

Ключевые слова. Меҳржан, день памяти и признательности, Навруз, день пожилых людей воспитание в духе трудолюбия, встреча с ветеранами труда.

«Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» да маънавий, мафкуравий соғлом авлодни тарбиялашнинг асосий маъсулияти таълим муассасаларига юкланган бўлса ҳам, мактабгача таълим муассасаси оила билан боғланмай туриб маънавий соҳасидаги ишларни муваффақиятли бажара олмайди. Чунки мактабгача ёшдаги болани оилада тўғри тарбиялаш, Ўзбекистоннинг XXI асрдаги фуқароларини мафкураси мустаҳкам, юксак маънавиятли этиб тарбиялашнинг муҳим шартларидан биридир. Бу ҳол МТМ ва ота-оналар

зиммасига жиддий маъсулият юклайди, тарбия соҳасидаги ишларда мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишни тақозо қилади. Мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашда МТМ ва оила ҳамкорлиги – қатор йиллардан буён муҳокама қилиниб келинаётган педагогик муаммо. Тарбия жараёни иштирокчилари саъий ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон педагоглари «Оила, маҳала, мактаб ҳамкорлиги» Концепциясини ишлаб чиқдилар. Мазкур Концепция ёшларни миллий истиқлолга садоқатли, маънавий баркамол этиб тарбиялашда муҳим вазифани бажарди. 1998 йилга келиб педагогика фанлари доктори Ж.Ғ.Йўлдошев илмий раҳбарлиги ва таҳрири остида «Ўқувчиларни тарбиялашда оила маҳалла, мактаб ҳамкорлиги Концепциясини» ишлаб чиқди.

Концепцияда ёш авлодни тарбиялашда оиланинг, маҳалланинг, мактабнинг вазифалари аниқлаб берилди, улар орасидаги ҳамкорликни амалга ошириш тамойиллари, босқичлари, механизм ива услублари белгиланди. Тадқиқот ишимизда биз ана шу Концепцияга таянган ҳолда мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишда: - ҳамкорлик жараёни иштирокчилари ҳаракатларининг иш бирилиги; - тарбияланувчига ҳурмат ва талабнинг уйғунлиги; ҳамкорлик жараёни субъектларининг тенг ҳуқуқлилиги ва юксак маъсулиятли; фаолият жараёнида миллат ва давлат манфаатлари устуворлиги ҳамкорликнинг илмий асосланганлиги каби тамойилларга риоя қилдик. Концепцияда мактабгача таълим муассасаси ва оилаларнинг тарбиявий ҳамкорлигини беш босқичида амалга ошириш кўзда тутилган. МТМ ҳамкорлик «болаларнинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий шаклланишини таъминлаш, унинг илк иқтидорли, қизиқиши ва ақлий имкониятларини аниқлаш, ўз хатти – ҳаракатларига жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш, бўш вақтини тўғри қилишни ўргатиш, атроф – муҳитга онгли муносабатда бўлиш, дўстлик, байналмиллаллик, ватанпарварлик ҳислатларини шакллантиришга қаратилиши кўзда тутилган.

Оила ва МТМ мактабгача ёшдаги болалар маънавий тарбиясининг бош иштирокчиларидир. Бу икки омил яхлит тарбиявий тадбирларни тўлдирувчи таркибий ихтисослашган, махсус таълим-тарбиявий муассасаси сифатида таъсир кўрсатади. Мустақилликни қўлга киритилиши билан оила ва МТМнинг тарбиявий мақсадлари уйғунлашди. Бу эса улар орасида маънавий-тарбиявий ҳамкорликни янги, самарали босқичига кўтаришга замин яратди. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларига қуйилувчи маънавий талабларнинг бирлиги, хатти-ҳаракатларнинг ўзаро мослиги, бир-бирини тўлдириши, эришилган маънавий-мтарбиявий ютуқларни мустаҳкамлаш ва учрайдиган муаммоларни биргаликда, ҳамжихатликда ҳал қилиш ва бошқалар пировард натижада мактабгача таълим ёшдаги болалар маънавий маданиятида намоён бўлади.

Ижтимоий мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг зиммасига юклатилган вазифаларидан бири – мактабгача таълим ёшдаги болаларнинг ота-оналари билан доимий алоқа ўрнатиш, уларнинг турмуш шароити, оилавий маънавий муҳити билан таниша бориш, бола шахсини, маънавиятини ўрганиш ва такомиллаштиришда ота-она билан ҳамкорлик қила бориш сифатида белгиланган. Боланинг билим савияси, ҳулқи, уйда, мактабгача таълим муассасасида, кўчада, маҳалла-қуйда, жамоат жойларида ўзини тутиши туғрисидаги маълумотларни айирбошлаш тарбиячининг ҳам, ота-онанинг ҳам тарбияланувчининг шахси, маънавияти туғрисида объектив маълумотлар билан таъминлаб

туради. Ўз ҳамкори – ота-оналарининг педагогик маданиятини кўтаришга доимий ғамхўрлик қилиш мактабгача таълим муассасасининг педагогик вазифаларидан бири. Ана шу мақсадда МТМда ота-оналарнинг педагогик билимларини оширишга қаратилган маърузалар, суҳбатлар, маслаҳатлар ташкил қилиб турилиши муҳимдир.

Бу МТМ ва оиланинг маънавий-маърифий ҳамкорлигида МТМ ташаббуси билан амалга оширилади. Оила, ота-оналар ҳам ўз навбатида мактабгача таълим муассаси ҳаётига ўз ҳиссаларини қушиб бормоқдалар. Амалиётда бу ҳамкорлик ишларини жиҳозлаш, курғазмали қуроллар, асбоб-ускуналар ясаш, сай, сайёҳатлар ташкил қилиш, суҳбатлар ўтказиш, машғулот жараёнларида қатнашиш, гуруҳдан ташқари тарбиявий тардбирларда иштирок этиш, ёрдам ва маслаҳатлар билан кўмаклашмоқдалар. МТМ ва оилалар ҳамкорлиги ота-оналар қумиталари томонидан тартибга солиниб, йўналтирилиб турилмоқда. Ота оналар қўмиталари МТМнинг умумий йиғилишида бир ўқув йили муддатига, йиғилиш маъқул топган сонда айланади. Қўмитага ҳар бир гуруҳдан болаларнинг ота-оналари вакил бўлишга эришилмоқда. Қўмита аъзолари ичидан раис ва котиб сайланади. Раис МТМ педагогик кенгашининг аъзоси бўлиб ҳисобланади. Ота-оналар қўмитаси оилалар билан маънавий-тарбиявий ҳамкорликни йўлга қуйишда:

оилаларнинг бола тарбияси учун жавобгарлигини ошириш ва бу ишда ота-оналарга ёрдам кўрсатиш; оилаларнинг бола тарбияси учун жавобгарлигини ошириш ва бу ишда ота-оналарга ёрдам кўрсатиш; ота-оналарнинг МТМ ҳаётида иштирокини фаоллаштириш; ота-оналарнинг педагогик маданиятини ошириш; болаларда салбий одат, сифатлар шаклланишининг олдини олиш;

уларни қаровсиз қолдириш, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари пайдо бўлишининг олдини олиш каби вазифаларни бажарадилар. Ота-оналар қумиталари у ёки бу ташкилотларга МТМ маъмурияти билан биргаликда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга қаратилган мурожаатлар билан чиқиш;

МТМда тарбиявий ишларни такомиллаштириш мақсадида мудира ёки педагогик кенгаш кун тартибига таклифлар киритиш; ота-оналарни қизиқтирган саволлар бўйича мудира ва тарбиячиларнинг чиқишларини ташкил қилиш; болалари намуна бўлаётган ота-оналарига таъсир ўтказиш каби ҳуқуқларга эга бўлсада, амалиётда бу ҳуқуқлардан кенг фойдаланилмаяпти. МТМ ва оилаларнинг маънавий-маърифий ҳамкорлиги самарали ташкил қилишда кўп учраётган ва биз тажриба-синов ишларимизда бартараф қилиш йўлларини қўллаган камчилик бу – МТМ ва оила, тарбиячилар ва отаоналар томонидан болаларга қуйилаётган маънавий талабларнинг бир хил эмаслигидир. МТМ ва оила, ота-она, бобо, буви ва ота-оналар орасида бола маънавиятини тарбиялаш масаласида бирликнинг йўқлиги тарбияси қийи, дағал болаларнинг пайдо бўлишининг асосий сабабларидан биридир. Бу эса, бир томондан – ота-оналарнинг, иккинчи томондан – тарбиячиларнинг болалар кўз ўнгида обрўсига дарз кетишига сабаб бўлмоқда. МТМ ва оиланинг болаларга қўядиган ягона маънавий тарбиявий талабларига эришиш учун мактабгача таълим муассасаси, кейинчалик мактаб ва оилаларда «Бола нима қилишга руҳсат берган маъқул-у, нима номаъқул?», «Қандай одат яхши, қайси ёмон?» каби ўнлаб саволларга биргалишиб жавоб беришлари керак бўлади. Акс ҳолда бири маъқулланган одат, ҳуқ-атвор кўринишининг иккинчиси «номаъқул» деб топса, бола энг тўғри ечимни

топа олма, қийналади ва бу уни ортиқча асабий қилиб, ёмон йўлга кириб кетишига сабабчи бўлади. Ножўя қилмишларнинг жуда кўпчилиги, юқорида айтганимиздек, оиладаги нотўғри талаблар, нотўғри муносабатлар ва боланинг нотўғри ҳаёт кечиришидан келиб чиқади. Аввало боланинг турмуши, маънавий муҳити қандай бўлганлиги тўғрисида тарбиячи ота-оналар билан гаплашиб олишлари керак. Агар оилада ҳамма амал қилган умумий маънавий қоидалар, тартиб бўлмаса, ёки бўлса ҳам катталарнинг ўзлари бу қоидаларга риоя қилмасалар, болалар бу қоидаларни бузганларида эътиборсиз қолдириладиган бўлса, катталар болалардан талаб қилсалар-у, бунга ўзлари амал қилмасалар, у тақдирда бундай оилалар болаларининг белгиланган қоидаларига риоя қилмасликлари, ножўя ҳатти-ҳаракатлар қилишлари муқаррар [1]. Шунингдек, катталар боланинг бола эканлигини назарда тутмай, ката кишилардан талаб қилганларини ундан ҳам талаб қиладиган бўлсалар, ўзларининг улуғликларидан фойдаланиб, болани бот-бот ҳафа қилсалар, унинг ҳиссиёти ва фазилатларини ҳақорат қилишга ботинсалар, у тақдирда боланинг дағал, одобсиз, дилозор бўлиб етишишига кўмаклашган бўладилар. Болага гуруҳдошлари – илгари нотаниш бўлган болалар жамоасининг муносабати, берган баҳоси унинг маънавий қиёфасига демак, маънавиятига ката таъсир қилади. Мақталган фазилатларнинг у учун аҳамияти орта боради. Шунинг учун МТМ ва оилада рағбатлантирувчи умумий фазилатлар туркуми бўлмоғи зарур. Ана шунда бола бу қадриятларни ўзиники қилиб олишга ҳаракат қила боради.

REFERENCES

1. Bobomurodov A., Po'latova K., Siddiqova M. MAKTAB YO'LG'A BOLALARINING CHQIQI MAHORANINING O'ZIQ XUSUSIYATLARI //Fan va innovatsiyalar. – 2022. – Т. 1. – №. В4. – С. 368-374.
2. Бобомуродов А. Э. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ЧАҚҚОНЛИК ҚОБИЛИЯТИ ЁШГА ОИД РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ //Fan-Sportga. – 2021. – №. 6. – С. 45-47.
3. Бобомуродов А. Э. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ЧАҚҚОНЛИК ҚОБИЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ //Fan-Sportga. – 2021. – №. 3. – С. 36-37.
4. Бобомуродов А. Э. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ЧАҚҚОНЛИК ҚОБИЛИЯТИ ЁШГА ОИД РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ //Fan-Sportga. – 2021. – №. 6. – С. 45-47.
5. Shoyimardonov Sh. A., Bobomurodov A. E. TALABALARDA PEDAGOGIK MAHORAT VA KO'NIKMALARNI SHAKLLANTIRISH. – 2023 yil.
6. Умаров Д.Х. «Теория и спорта». Учебник. Чирчик-2021 г. 220 с.
7. Khasanov, D. (2022). Efficiency of using national movement and action games at primary school. *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*, 2022(1), 185-193.
8. Xasanov, D. (2020). SOG 'LOM TURMUSH TARZI VA JISMONIY RIVOJLANISHNING UYG 'UNLIGI. “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳаси менежерларининг касбий компетентлигини ошириш йўллари”.

9. Dilmurod, K. (2023). DEVELOPMENT OF ENDURANCE ABILITY OF 6TH CLASS PUPILS THROUGH TRACK AND FIELD EXERCISES AS AN AFTER-SCHOOL ACTIVITY. *Educational Research in Universal Sciences*, 2(1), 305-313.
10. Хасанов, Д. Х. (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ. *Fan-Sportga*, (5), 37-39.
11. Khasanov, D. (2023). METHODOLOGY OF DEVELOPING STRENGTH ENDURANCE OF SECONDARY SCHOOL CHILDREN. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 6(2).
12. Qurbonov X.X. “O‘rta masofaga yuguruvchilar jismoniy tayyorgarligini oshirish va sport formasini takomillashtirish samaradorligi”. “Fan sportga” ilmiy-nazariy jurnal. 2023/6. ISSN 2181-7804. -B. 63-70. [13.00.00№16].
13. Курбанов Х.Х. “Структура тренировочных микроциклов, обеспечивающая стабильность спортивной формы в годовом тренировочном цикле”. Сборник научных трудов по материалам X международной научно-практической конференции. 1 июля 2020 год. -С. 66-69.
14. Qurbonov X.X. “O‘rta masofaga yuguruvchilar sport formasini baholash mezonlarini yillik tayyorgarlik mashg‘ulotlarida qo‘llash samardorligi”. “Jismoniy tarbiya va sport sohasini muammolar, yechimlar va istiqbollar”. Respublika ilmiy-amaliy anjumani. 2023 yil 12 aprel. -B. 88-95.
15. Xasanov, D. (2023). O‘rta sinf o‘quvchilarining chidamlilik qobiliyatini nafas olish mashqlaridan foydalanib rivojlantirish. *Sportda Ilmiy tadqiqotlar*.
16. Khasanov, D. (2022). Efficiency of using national movement and action games at primary school. *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*, 2022(1), 185-193.
17. Khasanov, D. (2023). Methodology of developing strength endurance of secondary school children. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 6 (2).
18. Dilmurod, K. (2023). Development of endurance ability of 6th class pupils through track and field exercises as an after-school activity. *Educational Research in Universal Sciences*, 2(1), 305-313.
19. Xasanov, D. (2023). Jismoniy tarbiya darslarida o‘rta sinf o‘quvchilarining kuch chidamliligini tarbiyalash. *Scienceweb academic papers collection*.
20. Xasanov, D. (2023). Chidamlilik qobiliyatini tarbiyalashning o‘ziga xos xususiyatlari. “Jismoniy tarbiya va sport sohasidagi muammolar, yechimlar va istiqbollar” Respublika ilmiy-amaliy anjumani to‘plami.
21. Xasanov, D. (2022). O‘rta sinf o‘quvchilarini chidamlilik qobiliyatini rivojlantirishning ahamiyati. “Jismoniy tarbiya, sport sohasidagi muammolar, yechimlar va istiqbollar”.
22. Хасанов, Д. Х. (2022). Жисмоний тарбия дарсларида 5-6 синф ўқувчиларининг чидамлилиги қобилиятини ривожлантириш. *Fan-Sportga*, (5), 79-82.
23. Arabov X.S. Yosh futbolchilar tezkorlik jismoniy sifatini maxsus mashqlar orqali rivojlantirish samaradorligi. *Fan-sportga ilmiy-nazariy jurnali*. Toshkent-2021.

24. Arabov X.S. Futbolchilarning tezkorlik jismoniy sifatini rivojlantirish. “Jismoniy tarbiya va sport sohasida innovatsion yondashuvlar” Xalqaro ilimiy-amaliy onlayn anjumani. Toshkent-2021.
25. Arabov X.S. Ko‘zi ojiz va zaif ko‘ruvchi futbolchilarning tayyorgarlik jarayonini olib borish uslubi. “Jismoniy tarbiya va sport sohasida innovatsion yondashuvlar” Xalqaro ilimiy-amaliy onlayn anjumani. Toshkent-2023.
26. Arabov X.S. Ko‘zi ojiz va zaif ko‘ruvchi futbolchilarning mashg‘ulot yuklamalarini rejalashtirish. “Jismoniy tarbiya va sport sohasida innovatsion yondashuvlar”. Xalqaro ilimiy-amaliy onlayn anjumani. Toshkent-2023.
27. Shoyimardanov S. A., Bobomurodov A. E., Kazaqov R. T. FORMATION OF PEDAGOGICAL SKILLS AND SKILLS IN STUDENTS //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 12. – С. 425-434.
28. Umarov D. X. et al. USE OF MODERN INFORMATION TECHNOLOGIES IN IMPROVING PHYSICAL FITNESS OF FOOTBALL PLAYERS //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 2. – С. 1313-1321.
29. Казоқов Р. Т. и др. КАСБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИЛФОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ //GOLDEN BRAIN. – 2024. – Т. 2. – №. 8. – С. 69-77.
30. Умаров Д. Х. Дастлабки тайёргарлик босқичида ёш гимнастикачиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш технологияси //Фан спортга. – 2007.
31. Умаров Д. Х., Холмуродов Л. З., Курбонов Х. Х. СПОРТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОСҚИЧИДА ГИМНАСТИКАЧИЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК НАЗОРАТ САМАРАДОРЛИГИНИ АСОСЛАШ //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 354-362.
32. Умаров Д. Particularities of movement skills manifestation by young gymnasts at initial training stage //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 162-167.
33. Умаров Д. Х. АНАЛИЗ ПАРАМЕТРОВ ТРЕНИРОВОЧНОЙ НАГРУЗКИ ЮНЫХ ГИМНАСТОВ //Fan-Sportga. – 2021. – №. 6. – С. 22-24.
34. Умаров Д. Х. ГИМНАСТИКАЧИЛАРНИНГ МАШҒУЛОТ ЖАРАЁНИНИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН НАЗОРАТ АЛГОРИТМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ: Умаров Джамшид Хасанович, педагогика фанлари номзоди, профессор, жисмоний тарбия, спорт назарияси ва услубияти кафедраси мудири, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия университети //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2021. – №. 5.
35. Умаров Д. Особенности проявления двигательных навыков молодыми гимнастками на начальном этапе подготовки //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 162-167.
36. Умаров Д. Х., Киенко А. Г. ВОСПИТАНИЕ КОНДИЦИОННЫХ КАЧЕСТВ ЮНЫХ БАСКЕТБОЛИСТОВ НА ЭТАПЕ НАЧАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ //Актуальные проблемы физической культуры и спорта в современных социально-экономических условиях. – 2020. – С. 338-342.

37. Умаров Д. Х., Киенко А. Г. Основы тренировки кондиционных (физических) качеств юных баскетболистов на этапе начальной подготовки // Проблемы педагогики. – 2020. – №. 1 (46). – С. 79-81.
38. Керимов Ф. А. и др. Информационная модель всесторонней оценки факторов риска состояния здоровья и спортивной формы высококвалифицированных спортсменов // Fan-Sportga. – 2020. – №. 4. – С. 19-28.
39. Умаров Д. Х., Бадалова Б. У. СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ОРГАНИЗАЦИИ НАЧАЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ БАДМИНТОНУ ПО НЕТРАДИЦИОННЫМ СРЕДСТВАМ // Актуальные проблемы физической культуры и спорта. – 2019. – С. 88-91.
40. Умаров Д. Х., Бадалова Б. У. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ РАЗВИТИЯ СИЛОВЫХ СПОСОБНОСТЕЙ У КВАЛИФИЦИРОВАННЫХ СПОРТСМЕНОВ IMPROVEMENT OF POWER ABILITY DEVELOPMENT METHODS AT QUALIFIED ATHLETES // ББК 75.1 А-437. – 2019. – С. 254.
41. Умаров Д. Х. ЁШ ГИМНАСТИКАЧИЛАРНИ МУРАККАБ МАШКЛАРГА УРГАТИШДА ХАРАКАТ ТАЙЁРГАРЛИГИ // Fan-Sportga. – 2018. – №. 4. – С. 16-21.
42. Умаров Д. Х., Бадалова Б. У., Низамов М. М. Методика развития скоростных способностей у юных бадминтонистов // Актуальные проблемы физической культуры и спорта. – 2017. – С. 392-395.
43. Умаров Д. Х., Холмуродов Л. З. Укрепление здоровья учащихся младших классов при помощи физических упражнений // Актуальные проблемы физической культуры и спорта. – 2017. – С. 775-777.
44. Усманходжаев Т. С., Умаров Д. Х., Ташназаров Д. Ю. Формирование здорового образа жизни молодежи средствами народных игр с выходом на массовый спорт // Человек, здоровье, физическая культура и спорт в изменяющемся мире. – 2016. – С. 569-571.
45. Хуррамов Ж. К., Умаров Д. Х., Саламов Р. С. ОСОБЕННОСТИ СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ РАЗВИТИЯ ФИЗИЧЕСКИХ КАЧЕСТВ У ЮНЫХ СПОРТСМЕНОВ // Современные проблемы и перспективы развития системы подготовки спортивного резерва в преддверии XXXI Олимпийских игр в Рио-Де-Жанейро. – 2015. – С. 324-326.
46. Умаров Д. Х., Умаров М. Н. Сравнительный анализ профессионально-прикладной физической подготовленности учащихся колледжа // Наука и спорт: современные тенденции. – 2015. – Т. 8. – №. 3. – С. 24-27.
47. Umarov D. BRIGHT MANIFESTATIONS OF UZBEK PROSE OF THE SECOND HALF OF THE 20TH CENTURY // Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 842-847.
48. Tojimatova Z., Umarov D. THE HISTORY AND DEVELOPMENT OF " WOMEN'S LITERATURE" IN LITERARY STUDIES // Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 1099-1103

49. Умаров Д. Х., Мусаев Б. Б. Сравнительный анализ структуры нагрузки перспективных юных гимнастов в соревновательном макроцикле // Наука и спорт: современные тенденции. – 2015. – Т. 8. – №. 3. – С. 28-31.
50. Kerimov F. et al. Possible associations of 25 (OH) vitamin D status with upper respiratory tract infections morbidity and overtraining syndrome among elite wrestlers // Journal of Physical Education and Sport. – 2019. – Т. 19. – С. 2177-2184.
51. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS // Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.
52. Boltayeva I. T., Tashnazarov D. Y., Kazaqov R. T. TECHNICAL-TACTICS OF 13-14-YEAR-OLD FOOTBALL PLAYERS EFFICIENCY OF EDUCATIONAL ACTIONS // Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 6. – С. 91-98.
53. Boltayeva I. T. et al. ANATOMY OF THE EXACT AND NATURAL SCIENCES TEST TASK // Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 6. – С. 99-105.
54. Казоқов Р. Т. и др. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРДА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. – 2024.
55. Djurayeva X. X., Xodjiyev R. M., Kazoqov R. T. DIFFICULTIES IN TEACHING RUSSIAN AS A FOREIGN LANGUAGE // Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 316-326.
56. Beknazarov S. H. Q., Kazoqov R. T. IDEOLOGICAL THREATS AND IMPORTANT PROBLEMS OF IDEOLOGICAL EDUCATION, NATIONAL HISTORICAL THINKING // Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 1016-1029.
57. Boltayeva I. T. et al. ANATOMY OF THE EXACT AND NATURAL SCIENCES TEST TASK // Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 6. – С. 99-105.
58. Бойқобилов А. П. и др. ТУРЛИ МАЛАКАЛИ СПОРТЧИЛАР ТОМОНИДАН ЯДРО УЛОҚТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛЛАРИ // Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 30-40.
59. Авезова Г. С., Казоқов Р. Т. ҚИСҚА МАСОФАГА ЮГУРУВЧИЛАРНИ МАШҒУЛОТ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ТИКЛОВЧИ ВОСИТАЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИГА ТАЪСИРИ // Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 205-214.
60. Шопулатов А. Н., Казоқов Р. Т., Хайдарова Г. М. ҚИСҚА МАСОФАГА ЮГУРУВЧИЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ БАҲОЛАШ // Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 197-204.
61. Бойқобилов А. П. и др. ТУРЛИ МАЛАКАЛИ СПОРТЧИЛАР ТОМОНИДАН ЯДРО УЛОҚТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛЛАРИ // Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 30-40.